



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

2019 йил "22" февраль

№ 181

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 19 февралдаги ПҚ-4197-сон
қарори ижроси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолияти билан боғлиқ низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4197-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида


БУЮРАМАН:

1. Вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, вазирлик хузуридаги ташкилотлар раҳбарлари, олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллари директорларига:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолияти билан боғлиқ низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4197-сон қарори раҳбарлик ва маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари О.Абдурахманов зиммасига юклатилсин.

Вазир



И.Маджидов